



## ШИФОКОР ДЕОНТОЛОГИЯСИ ВА ТЕРМИНЛАРИ ТАРЖИМАСИ

Халилова Диляфрӯз Жаҳонгирова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ӯзбек тили ва адабиёти Университети

таянч докторант

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10350081>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 10<sup>th</sup> December 2023

Online: 11<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Тиббиёт, стоматология,  
деонтология, термин,  
мутахассис.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада тиббиёт ходимлари хатти-ҳаракатлари, руҳиятларининг ахлоқий меъёр қоидалари деонтологияси ва стоматология мутахассисликлар ҳақида сўз боради.

Тиббиёт ходимлари хатти-ҳаракатлари ва руҳиятларининг ахлоқий меъёр ва қоидалари мажмуасини англатувчи “тиббий дентология” предмети стоматолог шифокорларнинг bemor, ҳамкасби ва ҳамшира билан ўзаро муносабатларини ўргатади. Деонтология термини (юнон тилидан δέον δεонбурч, деонтхос – талаб этиладиган) бурч ёки мажбурият этикаси ёки хулқ-атвор қоидаларига асосланган ахлоқий тизим деб аталади, чунки улар бурч тушунчасининг асоси ҳисобланади. Бу тушунчани илмий лексиконига XVIII асрда инглиз файласуфи Иеремие Бентам томонидан “Деонтология ёки ахлоқшунослик тўғрисида” асарида ахлоқ назариясини ахлоқ ҳақидаги фан деб аташ учун киритган. Бурч ва тўғри хатти-ҳаракатлар, ҳаракатлар услуги ҳақидаги таълимотни белгилаш учун киритилган. И.Бентам деонтология тушунчасини фалсафий таълимот сифатида ҳам ишлаб чиқди. Унинг асосий фалсафий қарашлари фанда утилитаризм ((лот. utilitas — фойда, манфаат, — 1. барча ҳодисаларини уларнинг фақат фонда келтириши, муайян мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиш имконияти нуқтаи назаридан баҳолаш принципи; 2. этикада — позитивистик йўналиш. Фойдани ахлоқнинг асоси ва инсоний хатти ҳаракатларнинг мезони деб ҳисоблаган. 19-асрда Буюк Британияда кенг тарқалган. Унинг асосий принципи шахсий манфаатларни қондириш воситаси билан “энг кўп одамларни иложи борича кўпроқ баҳтли қилиш” дан иборат.) деб номланган, гарчи унинг ўзи утилитаризм (яъни фойдалилик) ҳақида эмас, балки “энг катта баҳт тамойили” ҳақида гапиришни маъкул кўрган. Замонавий ихтисослашган маънода бу термин С.Д.Брод томонидан 1930-йилда нашр этилган “Ахлоқ назариясининг бешта тури” китобида киритилган. Шифокорнинг bemor олдидаги вазифасини XVI асрдаёқ Лумбруаз Нарс “баъзан даволаш, кўпинча енгиллаштириш, ҳамиша тинчлантириш ва овутиш” деб ифодалаган.

Беморнинг ўз ҳаёти ва соғлиги тўғрисида қарор қабул қилиши, даволашдаги ёндашувни танлашда иштирок этишни танлаши замонавий тиббий этиканинг ўзига



хослиги ҳисобланади. Бу тенденция аҳолининг маълумоти ва ўз саломатлигига эътибори натижасида юзага келган. Айни вақтда бемор билан мулоқотни ўрнатишда шифокордан янада юқори малака талаб қилинади.

Стоматологияда шифокор ва bemor ўртасидаги мулоқот мұхитини яратиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун кундалик ҳаётимизда инглиз тилида стоматолог қабулига боришимиз учун стоматология оид терминларни билишимиз ва ўрганишимиз мақсадга мувофиқ. Стоматологияга биносига кирганимизда, стоматология оид мутахассисликлар ёзувларини қўрамиз. Ушбу жараёнда стоматология врачлар (қадимги славян тилидаги- “vráč”- “врач” – “лекарь” сўзидан кириб келган.) ва bemor ўртасида бўладиган мулоқатни талаб қилади ва илк мулоқати навбатчи ҳамшира (“медсестра”- “ҳамшира” сўзининг асосчиси XIX-асрда Италия, Флоренциялик Флоренс Найтингейл (1820-1910) томонидан асос солинган. 12 май Флоренс Найтингейл туғилган куни-Халқаро ҳамширалар куни сифатида нишонланади. Ҳамшира, ҳамшира опа сўзи- “опа” доим ёрдам беришга тайёр бўлган инсон ва тиббиёт муассасасининг барча ходимлари орасида bemornинг энг яқин ва ишончли одам ҳисобланган.) дан бошланади. Тиббиёт оламида асосий мутахассисликлар бўлгани каби стоматологияда ҳам қўйидаги мутахассисликларни учратамиз: *терапия*, *хирургия*, *ортопедия* терминларни учратамиз. Стоматология олийгоҳларида эса *профилактика*, *терапия*, *хирургия*, *ортопедия* ва *ортодонтия* бўлимларига бўлинади. Ушбу терминлар қўйидаги маъноларни: **профилактика**<sup>1</sup>- юон тилидан олинган бўлиб, - prophyláσσω prophylasso- сақловчи, олдини олувчи, касалликнинг олдини олиш- 19-асрда фанга кириб келган, **терапия**<sup>2</sup>- юон тилидан олинган бўлиб, θεραπεία therapia- “даволаш” маъносини бериб ва 17-асрда инглиз шифокори Сиденхем томонидан фанга олиб кирилган. а) ички касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволашни ўрганадиган тиббиёт соҳаси; б) даолаш (турли усусларга нисбатан), **хирургия**<sup>3</sup>- юон тилидан кириб келган - χείρ cheir қўл + ἔργον ergon “иш”, “ҳаракат”- Хирургик операцияларни талаб этадиган касалликларни ўрганади ҳамда операция қилиш усусларини ишлаб чиқадиган тиббиёт соҳаси. Мил. ав. 460—377 йилларда Гиппократ томонидан фанга олиб кирилган. **ортопедия**<sup>4</sup> -юон тилидан кириб келган- ὄρθος orthos тўғри + παιδεία paideia парвариш - тутма нуқсонлар, шикастлар ва турли касалликлар оқибатида таянч ҳаракат аъзолари шакли ва функциясининг бузилишини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўлларини ўрганадиган тиббиёт соҳаси. Ортопедия фанига француз шифокори Н. Андри (1658—1742) асос солган, **ортодонтия**<sup>5</sup> -юон тилидан кириб келган- ὄρθος orthos тўғри + ὄδοντος odontos тиш – тиш ва тиш чиқишидаги нуқсонларни, нуқсонларни ва ўзгаришларни ўрганади, олдини олади, ташхислайди ва тузатадиган тиббиёт соҳаси.

<sup>1</sup> Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Латинская стоматологическая клиническая терминология, Учебно-методическое пособие, Витебск 2019, 6 б.

<sup>2</sup> Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Ўша манба.- 6 б.

<sup>3</sup> Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Ўша манба. - 6 б.

<sup>4</sup> Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Ўша манба. - 6 б.

<sup>5</sup> Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Ўша манба. - 6 б.



Француз шифокори Пьер Фошар (1678-1761) 1728 йил стоматологик “Жарроҳ-стоматолог ёки тишлар ҳақида рисола” қўлланмасида ортодонтик патологияни ташхислаш ва даволаш усулларини баён қилиб, ортодонтияning илмий фан сифатида шакилланишини бошлаб берган.

Профессионал стоматологик хизмат / Professional dental service терминлари алоҳида бўлимларда мутахассиснинг маҳсус билим ва қўникмалари, шунингдек стоматологик хизматларнинг сифатли кўрсатилиши орқали намоён бўладиган касбий фазилатлар мавжудлигини англатади.

Тиббиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби стоматология мутахассисликлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор кичик даражаларни ўз ичига олган терминлар мавжуд.

**“Стоматология мутахассислиги” - “Dental specialties” терминларининг таққосланиши**

|  | Ўзбек тили                                     | Рус тили   | Инглиз тили (Буюк Британия) |
|--|--|--|-----------------------------|
|  | Терапевтик стоматология                        | Терапевтическая стоматология                           | Endodontics                 |
|  | Хирургик стоматология (жумладан имплантология) | Хирургическая стоматология (в том числе имплантология) | Oral Surgery                |
|  | Ортодонтик стоматология                        | Ортодонтическая стоматология                           | Orthodontics                |
|  | Ортопедик стоматология                         | Ортопедическая стоматология                            | Prosthodontics              |
|  | Болалар стоматологияси                         | Детская стоматология                                   | Pediatric Dentistry         |
|  | Юз-жағ жарроҳлиги                              | Челюстно - лицевая стоматология                        | Maxillofacial Pathology     |

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидағи мутахассислик терминлари бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Терминларнинг ўзига хослиги: стоматология фанининг шаклланиш тарихи, таълим тизими ва касбий фаолияти, шунингдек давлатларнинг қонун ҳужжатларидағи фарқи экстралингвистик омиллар туфайли юзага келади.

### References:

1. Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук., Латинская стоматологическая клиническая терминология, Учебно-методическое пособие, Витебск 2019.
2. С.А. Fafforov таҳрири остида, Стоматология, қўлланма, Тошкент 2018.
3. С.А. Fafforов медицинская деонтология и психиатрия в стоматологической практике. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2014.
4. www.wikipedia.org.